



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2026 йил 10 апрель, № 70 (9241)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАРИХГА ЭҲТИРОМ ВА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ИФОДАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 9 апрель куни Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида ташриф буюрди ва Темурийлар тарихи Давлат музейида амалга оширилган реконструкция ишлари билан танишди.



Президентимиз хиёбонда машҳур давлат арбоби, енгилмас саркарда, илм-фан, маданият ва санъат хомийси Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Бугун юртимизда катта шодиёна — Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу сана нафақат буюк аждодимизни ёд этиш, балки ўзликни англаш, ўтмишдан куч олиб, келажакка ишонч билан интилиш равишига айланади.

Зотан, Амир Темур — тарих саҳнасида тасодифан пайдо бўлган шахс эмас, балки оғир ва мураккаб бир даврда халқ тақдирини ўз масъулиятини зиммасига олган, парокандаликни бартараф қилиб, марказлашган кудратли давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбобидир. У ўз салтанатида жорий қилган адолат тамойиллари ва муқаммал бошқарув тизими бугун ҳам жаҳон сиёсий тафаккурида алоҳида ўрин тутаяди.

Соҳибқироннинг давлат бошқарувида оид тутумлари, адолат, ҳақиқатпарварлик, инсонпарварлик тамойиллари асрлар оша-да, ўз қийматини йўқотмаган. Жумладан, улуг аждодимиз ўз тузуқларида "...амр эдимики, кимки бирон саҳронинг обод қилса ёки қориз курси ё бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нима олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиғи билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қондасига мувофиқ хирож йиғсинлар", дея амр этади. Бу мамлакатда бунёдкорлик, яратувчанлик интилишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани, ҳар ишда адолат — олиқ мезонга айлантирилгани намойён қилади. Соҳибқирон тузуқларидаги "Раият ахволидан оғоҳ бўлдим, улугларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим", деган сўзлар буюк салтанатда инсон

ва унинг шаъну шавкати олиқ кадрият сифатида юксак баҳоланганидан далolat беради.

Бугун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қуламли ислохотлар, инсон қадрини улуглаш, адолатли жамият барпо этишга қаратилган сайёҳаракатлар айнан ана шу буюк гоғлар билан ҳамохандир.

Юртимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш, кўламазорлаштириш ишлари ҳар томонлама рағбатлантирилаётгани, қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорларга кенг имтиёзлар берилаётгани, мамлакатимиз улкан қурилиш-бунёдкорлик майдонига айлантирилгани буюк аждодларимизга хос фазилатлар авлодлар фитратида бугун ҳам бардавом эканидан нишона. Ихтимойий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, илм-маърифатни ривожлантириш, дунё билан ҳамкорликни кен-

гайтириш каби устувор йўналишлар ҳам Соҳибқироннинг ҳаётбахш гоғларига гоғ мутаносибдир.

Буюк темурийлар даврида юзага келган Ренессанс — илм-фан, маданият ва санъат ривожининг юксак чўққиларга чиққани бугун ҳам қалбларимизда фахр-ифтихор уйғотиб, халқимизни Янги Уйғониш пойдеворини яратишга руҳлантирмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда Амир Темур ва буюк темурийлар меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш мутлақо янги босқичга кўтарилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг Соҳибқирон таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан қабул қилган қарорини асосида кенг қуламли ишлар амалга оширилмоқда. Апрель ойининг "Амир Темур ойлиги" сифатида нишонланиши бу йўналишдаги ишларни тизимли ва изчил равишда давом эттиришга ҳимоят қилаётди.

Айни кунларда пойтахтимиз тарих ва

тафаккур чорраҳасига айланган. Бу ерда буюк саркарда Амир Темур ва темурийлар даврида юзага келган улкан юксалиш — Иккинчи Ренессансга бағишланган нуфузли халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Мазкур анжуман шунчаки илмий мулоқот майдони эмас, балки ўтмиш даҳолари руҳи билан замонавий фикрлар учрашган, тарих ва келажакни боғловчи маънавий кўприқдир. Конференция мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар — миллий меросини ўрганиш, уни асраб-авайлаш ва жаҳон миқёсида тарғиб этиш борасидаги сайёҳаракатлар изчил ва тизимли давом этаётганининг ёрқин тасдиғи.

Анжуманда юртимиз олимлари билан бир қаторда, дунёнинг турли бурчакларидан нуфузли тарихчилар, шоир ва адиблар, маданият ҳамда жамоат арбоблари қатнашмоқда. Турли тиллар, қарашлар ва мактаблар вакилларини бирлаштирган ушбу илмий мулоқот

майдони буюк темурийлар меросининг умуминсоний аҳамиятга эга эканини яна бир бор намойён этаётди. Бу каби анжуманлар нафақат тарихни ўрганиш, балки уни қайта кашф қилиш, замонавий талқинларда англаш ва келажак авлод онига чуқур сингдиришга ҳимоят қилади. Зеро, буюк меросга эга миллат — ўз истиқболини ҳам буюк мақсадлар билан боғлайди.

Қарор ижроси доирасида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар, маданият лойиҳалари — буларнинг барчаси бир мақсадга, яъни буюк меросини чуқур англаш ва унинг руҳини замонавий таррақийёт билан уйғунлаштиришга ҳимоят қилапти.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Утабтот хизмати суратлари.

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев электрон тижоратни ривожлантириш ва бонд омборлар фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган тақлифлар тақдирини билан танишди.

Сўнги саккиз йилда мамлакатимизда электрон тижорат ҳажми 20 баробар ўсиб, 1,3 миллиард долларга етди. Рақамли платформалар сони 120 тадан зиёда ташкил этмоқда. Ўзини ўзи банд қилиш тартибининг кенгайтирилгани, лицензиялаш ва солиққа тортишнинг соддалаштирилгани ҳисобига соҳада 750 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилган, бюджетга эса ҳар йили 200 миллиард сўм қўшимча солиқ тушувлари таъминланмоқда.

Шу билан бирга, мазкур йўналишда ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўпчилиги таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистонда электрон тижоратнинг чакана савдодаги улуши 4-4,6 фоизни ташкил этиб, жаҳондаги ўртача 22 фоизлик кўрсаткичдан 5 баробар кам экани кўрсатиб ўтилди. Мамлакатимизда ушбу улушни 9 — 11 фоизга етказиш учун етарли салоҳият мавжуд.

Тақдимотда электрон тижорат инфратузими ривожлантиришда импорт товарларини божхона тўловлари ва солиқларини кенгайтирилган тартибда тўлаш шартин билан божхона назорати остида сақлашга мўлжалланган махсус омбор — бонд омборлар ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, товар учун бож тўловларини уни сотиш пайтида амалга ошириш тизимини жорий этиш орқали каммида 500 миллион доллар инвестиция жалб қилиш учун шароит яратиш мумкин. Бундай амалиёт Россия, Хитой, Қозғоғистон, Бирлашган Араб Амирикллари, Буюк Британия, Германия ва Сингапур каби мамлакатларда кенг қўлланилаётгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

СЎХ ТУМАНИ АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАСКАНИГА АЙЛанаДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятининг Сўх туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Таъкидланганидек, авваллари Сўх етиб бориш қийин, транспорт ва логистика имкониятлари чекланган, иқтисодий алоқалари заиф ҳудудлардан бири эди. Сўнги йилларда минтақавий ҳамкорлик ва қатъий сиёсий ирода туфайли бу ҳудудни комплекс ривожлантириш учун янги имкониятлар яратилди. Йўллар очилди, чегарадан ўтиш тартиблари енгиллаштирилди, тадбиркорлик учун шароитлар яшилди, замонавий боғча, мактаб, поликлиника ва уй-жойлар барпо этилди.

Бугунги кунда Сўхдаги 25 та маҳаллада 88,6 минг аҳоли яшайди. Худудда 29 та мактабгача таълим ташкилоти, 33 та мактаб, 2 та ўрта махсус таълим муассасаси, 14 та соғлиқни сақлаш муассасаси ва 2 та маданият объекти фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг ўзига 13 минг 921 та иш ўрни яратилди, 1 минг 667 та оила камбағалликдан чиқарилди.

Умуман, Сўхдаги ўзгаришлар шунчаки инфратузими янгиланиши эмас, балки ҳудуднинг иқтисодий фаоллиги ошгани, аҳоли ишончи мустаҳкамлангани ва ёшлар учун имкониятлар кенгайтирилгани амалий ифодасидир. Бугунги Сўх аста-секин минтақавий иқтисодий тизимга қайта қўшилмоқда.

Шу билан бирга, туманда камбағаллик даражаси 7,9 фоиз, ишсизлик 5,5 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткичлар ҳали ҳам республика ўртача даражасидан юқори экани кўрсатиб ўтилди.

Тақдимотда мутасаддилар жорий йилда туманда 40 миллион доллар инвестиция жалб қилиш, 15 миллион долларлик экспортни таъминлаш режаси олингани ҳақида ахборот берди. Бунинг ҳисобига саноатда 9 фоиз, хизматлар соҳасида 17,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида 7,6 фоиз ўсишга эришиш кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

«АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ТАМАДДУНИНИНГ ЖАҲОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман қатнашчилари! Аввало, буюк давлат арбоби, енгилмас саркарда, илм-фан, маданият ва санъат хомийси Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар тарихи ҳамда меросини ўрганиш ва тарғиб этишда кўп муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиз, азизларни бугунги халқаро илмий конференциянинг очилиши билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Ушбу анжуманда дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган таниқли олимлар — профессор ва академиклар, нуфузли университетлар ҳамда илмий марказларнинг намояндалари, иждодкор зиёлилар, машҳур музей ва кутубхоналарнинг етакчи ходимлари, қўллаб-қувватловчи ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этаётгани халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятига жаҳон миқёсида қизиқиш ҳамда эътибор тобора кучайиб бораётганидан далolat беради.

Конференция Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги юртимизда кенг нишонланаётган кунларда Ўзбекистоннинг уч минг йиллик бетакор илмий-маданият мерос дурдоналарини ўзида мужассам этган Ислон цивилизацияси марказида бўлиб ўтаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Мазкур илмий форум ўлкаимиз тарихидаги улугвор ва ёрқин босқич-

ни ташкил этадиган Иккинчи Уйғониш даври — темурийлар Ренессанси моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, қизгин муҳокамалар ўтказиш, янги лойиҳаларни биргалликда амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Азиз дўстлар! Олис XIV асрда, гоғат мураккаб бир замонда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида миллий давлатчиликни қайта тиклаб, Ватан озодлиги, юрт тинчлиги ва ободлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк аждодимиз Амир Темур асос солган кудратли салтанат жаҳон цивилизацияси тарихида қандай ўчмас из қолдиргани сизларга яхши маълум.

Бу ҳақда гапирганда, дунёдаги ўнлаб давлатлар худудида Амир Темур ва темурийлар даврига оид меъморий обидалар ҳозирга қадар сақланиб келаётгани, турли минтақа ва мамлакатларда бу улуг шахс ҳамда унинг сулоласига бағишлаб қўллаб-қувватловчи илмий ва таъсирий асарлар яратилганини таъкидлаш лозим.

Маълумки, Амир Темур ота юрти Шаҳрисабзда ўзи бунёд эттирган гўзал меъморий обида — Оксарой пештоқига "Адолат — давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шориридир", деган сўзларни ёздирган эди.

Бу ҳикматли сўзлар бугунги кунимиз учун ҳам муҳим ва долзарб

аҳамиятга эга. Чунки тинчлик ва адолат ҳукм сурган жойдагина илм-маърифат, санъат, адабиёт ва маданият тараққий топади.

Шу маънода, темурийлар Ренессанси нафақат Турон ўлкаси, балки бутун Шарқ оламининг илм-фани ва маданият раҳнақига кучли таъсир кўрсатиб, янги маънавий юксалиш даврини бошлаб бергани бежиз эмас.

Ушбу сулоланинг машҳур намояндалари бўлган Мирзо Улуғбек, Бойсунқур Мирзо, Иброҳим Султон, Султон Хусайн Мирзо, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва бобурийларнинг илмий кашфиётлари, етук бадиий асарлари ана шу ноёб маданият феномени махсули сифатида вужудга келганини жаҳон олимлари кенг эътироф этадилар.

Янги Ўзбекистонда Амир Темур ва темурийлар меросининг умумбашарий цивилизация тарихидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ўрганиш, уни юртимиз ва чет элларда кенг омдалаштириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Амир Темурнинг 690 йиллиги муносабати билан алоҳида қарор қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга биноан ҳар йилнинг апрель ойи мамлакатимизда Амир Темур ойли-

ютуқларини замонавий илм-фан нуқтаи назарида қайта баҳолашга қаратилган муҳим илмий майдон бўлди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ташаббуси билан қатор вазирилик ва идоралар, илмий-тадиқот муассасалари ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Унда маҳаллий ва хорижий олимлар — тарихчи, шарқшунос, санъатшунос, археолог, сиёсатшунос, шунингдек, нуфузли университетлар профессор-ўқитувчилари қатнашмоқда.

2

ТАРИХГА ЭҲТИРОМ ВА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ИФОДАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ижодкорлар томонидан яратилган янги асарлар, фильм ва сахна намуналари, қайта нашр этилаётган ноёб манбалар Соҳибқирон меросининг барҳаёт эканини намоён қилмоқда. Жумладан, машҳур "Темур тузуқлари" асари янгида нашр этилди. Юртимизда улуг бобомиз номи билан аталган давлат мукофотлари, майдон ва хиёбонлар, метро бекати, таълим ва маданият масканлари мавжуд. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан худудларда очилган "Темурбеклар мактаблари" ёш авлод қалбига ватанпарварлик, садоқат ва масъулият туйғуларини шакллантиришда муҳим ўрин тутапти.

Тадбир давомида Амир Темур ҳайкали пойга гуллар қўйилиб, буюк аждодимиз хотираси яна бир бор эъзозланди.

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур қаерда бўлмасин, боғу роғлар барпо этишга, ҳар қарич ерни обод қилишга катта аҳамият қаратган. Ана шу бунёдкор анъаналарнинг узвий давоми сифатида Амир Темур хиёбонида ҳам улкан ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Тадбир якунида давлатимиз раҳбари хиёбонда кўчат экди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан реконструкция қилинган Темурийлар тарихи Давлат музейига ташриф буюрди.

Бугун юртимизда ўзликни англаш, миллий хотирани тиклаш, аждодлар меросини асраб-авайлаб, уни келажак авлодга етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу эзгу мақсадлар йўлида барпо этилаётган йирик маънавий-маърифий масканлар миллат руҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётган бебаҳо қадамлардир. Пойтахтимизда қад ростилаган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда барпо этилган Имом Бухорий мажмуаси ана шу юксак сазой-харакатларнинг ёрқин намунаси.

Улар қаторида бундан ўттиз йил муқаддам барпо этилган Темурийлар тарихи Давлат музейининг бугун замонавий қиёфада қайта туғилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Эндиликда мазкур музей фақат экспонатлар сақланадиган маскан эмас, у — илм-фан, тафаккур ва илҳом манбаи. Дунё музейшунослигининг энг илгор тажрибалари асосида қайта таъмирланган бу даргоҳ замонавий шакл ва мазмунни ўзига муҳассас этган ҳолда, янги гоғлар, инновацион ёндашувлар ва илмий изланишлар марказига айланмоқда. Рақамлаштириш жараёнлари музей имкониятларини янада кенгайтирди: экспозициялар тубдан янгиланди; хорижий тўпламлардан харид қилинган ноёб экспонатлар билан бойитилди. Бу эса ташриф буюрувчиларга тарихни нафақат кўриш, балки ҳис этиш, англаш ва унга яқинлашиш имконини беради.

Зиё масканининг биринчи қава-тида ташкил этилган "Буюк Соҳибқирон — Иккинчи Ренессанс асосчиси" бўлими орқали Амир Темур шахсиятига янгича назар ташланади. Иккинчи қавадга эса сунъий интеллект ва "акли" технологиялар асосида яратилган интерфаол экспозициялар орқали буюк темурийлар даври гуё яна бир бор "жонланади". "3D" форматдаги экспонатлар, замонавий хариталар эса тарихни янги авлод учун янада тушунарли ва таъсирчан қиёфада намоён этади.

Давлатимиз раҳбари музейнинг янгиланган экспозициялари ва ташриф буюрувчилар учун яратилган шароитлар билан танишар экан, аждодлар меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва уни кенг тарғиб этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифа эканини алоҳида таъкидлади. — Дунё ҳавас қилгулик тарихимиз, меросимиз бор. Соҳибқирон тарихини жамлаган музей замонга муносиб янги қиёфага келгани яхши бўлди. Энди бунга аҳолимизга, ёшларга, хорижлик меҳмонларга етказиш энг катта вазифамиз. Янги Ўзбекистонни юксалтириш учун керакли билимларни қаердан олиш мумкин десангиз, буларнинг барчаси — аждодларимиз қолдирган меросда, илмда. Шу боис ёшларимизни, нурунийларни, умуман, аҳолимизни маҳаллабай тарзда музейларга олиб келиб, буюк тарихимиз ҳақидаги билимларини ошириши-

миз лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев ташриф асосида Темурийлар тарихи Давлат музейининг меҳмонлар китобиغا дастхат қолдирди.

Шубҳасиз, тарихни англаган миллат ўз келажagini ишонч билан асосида яратилган интерфаол экспозициялар орқали буюк темурийлар даври гуё яна бир бор "жонланади". "3D" форматдаги экспонатлар, замонавий хариталар эса тарихни янги авлод учун янада тушунарли ва таъсирчан қиёфада намоён этади.

Бугун миллатимиз етакчиси раҳнамолигида ана шу улуг гоғ ҳаётга татбиқ этилмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий ислохотлар, маданий меросни тиклаш ва асраб-авайлашга қаратилган сазой-харакатлар ўтмиш ва бугун, тарих ва келажакни мустаҳкам боғлаб турган маънавий занжирнинг метини халқларига айланмоқда.

Бу жараёнлар инсон онги ва қалбига чуқур ўзгаришлар яратаяпти: ўзликни англаш, тарихдан сабоқ олиш, дунёга теран ва ҳушёр нигоҳ ташлаш, энг муҳими, яратувчанлик ва бунёдкорлик руҳи билан яшаш каби олий туйғуларни мустаҳкамламоқда. Зеро, миллат руҳи тирик бўлган жойда тараққиёт тўхтамайдиган. Ана шу руҳ — халқимизнинг янги уйғониш даври пойдеворини барпо этаётган энг ишончли таянч, энг мустаҳкам сунъандир.

Дилшод КАРИМОВ (Халқ сўзи).

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда Ўзбекистонда омборларнинг умумий майдони 634 минг квадрат метрни ташкил қилиб, шундан 72 фоизи Тошкент шаҳри ва вилояти ҳиссасига тўғри келади. Мавжуд омборларнинг атиги 34 фоизи замонавий "А" тоифасига мансуб. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун кейинги беш йилда 2,5 миллион квадрат метр замонавий омборлар талаб этилади.

Шу муносабат билан юртимизда йирик халқаро маркетплейсларнинг замонавий омборлар тармоғини кенгайтириш тақдир этилди.

Рақамли платформаларни ҳамда бонд омборларни солиқ ва божхона тизимлари билан чуқур интеграция қилиш зарурлиги таъкидланди. Тақдиротда 2026 — 2028 йиллар давомида таъриб тарихида "импорт — бонд омбори — махсус электрон савдо платформаси — истеъмолчи" занжири асо-

сида янги механизмни жорий этиш тақдир этилди.

Унга кўра, товарлар бонд омборига жойлаштирилади, махсус электрон савдо платформаси орқали сотилади, божхонада декларациялаш ва бож тўловлари эса бевосита сотув босқичида амалга оширилади. Бундай платформалар ва омборлар тегишли реестрларга киритилиб, Божхона қўмитасида ҳисобга қўйилади.

Шунингдек, бонд омборлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ташқи бозорларга чиқишни енгиллаштириши, айланма маблағларга тушадиган юкни қамайтириши, логистика харажатларини пасаитириши ва экспорт рақобатбардошлигини ошириши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари электрон тижоратни иқтисодиётнинг муҳим драйверларидан бирига айлантириш, мазкур соҳада замонавий инфратузилмани яратиш, рақамли платформалар фаолияти учун қўлай ва шаффоф муҳит шакллантириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

СЎХ ТУМАНИ АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАСКАНИГА АЙЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йилгилишда тумanning туризм салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўхнинг бетакорр табиати, мусаффо ҳавоси, дарёлари ва салқин иқлими мазкур соҳани иқтисодий драйверларидан бирига айлантириш имконини бериши таъкидланди. Масалан, Сариканда, Ровон ва Истиқлол маҳаллаларидан ўтган Сўх дарёси қирғоқларида янги туризм объектларини курс бўлади. Еки бу ерда реабилитация, физиотерапия, дори-дармон логистикаси ва тиббий таълимни бир ҳудудда жамлаган Тиббий хизматлар кластерини ташкил этиш учун барча шароитлар мавжуд.

Умуман, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида 60 миллион доллар инвестиция жалб қилиш, қарийб 2 минг иш ўрни яратиш, туризм хизматлари ҳақмини 15 миллиард сўмга, экспортни эса 2 миллион долларга ошириш режалаштирилгани маълум қилинди.

Энг муҳим вазифалардан бири сифатида аҳоли яшаш ва меҳнат қилиши учун қўлай инфратузилма яратиш, тадбиркорликни кенгайтириш ва бандликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Хар бир маҳаллада 10 тадан, жами 300 та микролойиҳа ишга туширилиб, 8,6 минг аҳоли касб-хунарга ўқитилди. Бу лойиҳаларга банклар томонидан 64 миллиард сўм кредит ресурси йўналтирилади, ижтимоий ва инфратузилма объектлари учун эса қўшимча 74,5 миллиард сўм ажратилади.

Транспорт-логистика масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Тумanning бошқа ҳудудлар билан боғлиқлигини ошириш, че-

гарадан ўтишни тезлаштириш ҳамда иқтисодий алоқаларни кенгайтириш бўйича амалий чоралар белгиланди.

Аҳоли даромадининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ экани инобатга олиниб, ушбу соҳада замонавий ёндашувлар ва янги технологияларни кенг жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Масалан, Қайроқ массивидаги 425 гектар йилловда мевали боғлар, Чашма маҳалласидаги 60 гектар ерда заъфарон плантациялари, Озод ва Сўх хўжалиқларига қарашли 100 гектар майдонда тармоққа етиштириш лойиҳаларини амалга ошириш тақдир этилди. Шунингдек, Навобод маҳалласида балкичиликни ривожлантириш бўйича лойиҳа тақдим этилди. Унга кўра, 50 сотихдан 30 та ховуз ташкил қилиниб, ҳар бир ховуздан 50 тоннадан фореель балиги етиштириш мумкин.

Шу билан бирга, Девайрон ва Тўл-дашт ҳудудлари оралиғида 8 километр узунликда ўзи оқар суғориши мақсади қилиниб, ҳар бир ҳаётида сезиларли ўзгариш қилиш, аҳоли даромадини ошириш, иш ўринлари яратиш ва ҳудуднинг транспорт боғлиқлигини янада кучайтиришдан иборат эканини таъкидлади. Мутасаддиларга туман бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Ў.А.

Учрашув

УМУМИЙ ЁНДАШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМИ

Авал хабар қилганимиздек, Франция Республикаси Сенатининг Ташқи ишлар, мудофаа ва Европа ишлари комиссияси аъзоси Валери Бойе бошчилигидаги делегация мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турибди.

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева сенатор Валери Бойе етакчилигидаги Франция Сенати делегацияси билан учрашди.

Сўхбат чоғида олий даражадаги конструктив мулоқот тўғрисида Ўзбекистон — Франция муносабатлари жадал ривожланиб, стратегик шериклик мақомига кўтарилгани таъкидланди. Франция Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ мuddатли ҳамкори экани қайд этилди.

Савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги алоқаларнинг

ижобий натижалари муҳокама қилинди. Томонлар, шунингдек, аграр ва сув хўжалиги, энергетика, sanoat, озик-овқат, транспорт, логистика йўналишларидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини ҳам кўриб чиқиб, халқаро майдондаги ташаббуслар ўзаро қўллаб-қувватланишини таъкидлади.

Икки давлат ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлашнинг муҳим элементи сифатида парламентларо ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди. Тегишли қўмита-

лар ўртасидаги ҳамда ҳудудларо алоқаларни ривожлантириш ва парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

"Ўзбекистон — Франция" биринчи парламентларо форумининг ўтказилиши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда икки томонлама ва минтақаларо кун тартибидagi долзарб масалалар бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқишнинг таъсирчан механизми сифатида муҳимлиги қайд этилди.

Учрашув якунида парламентларо мулоқотни янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришга келиши олинди.

«Халқ сўзи».

ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ ИЛМ АҲЛИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА



9 апрель куни Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида халқаро анжуманинг тантанали очилиш маросими юқори савияда ташкил қилинди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, етакчи олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, дипломатик корпус аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуман иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Табриқда айтилганидек, мазкур илмий форум улкамиз тарихидаги улғувор ва ёрқин босқични ташкил қиладиган Иккинчи Уйғониш даври — темурийлар Ренессанси моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, қизгин муҳокама қилиш, янги лойиҳаларни биргаликда амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Тадбирда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолияти тақдироти ўтказилди. "Амир Темур ва дунё тамаддуни" ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Очилиш маросимида Халқаро туркий маданият ташкилоти бош қотиби Султон Раев, Оксфорд Халқаро ислом тадқиқотлар маркази раҳбари Фархон Низомий, Туркия Қўлёзмалар бошқармаси директори Жашун Йилмаз, ICESCO минтақавий директори Анар Каримов, IRICSA директори Маҳмуд Эрол Қилич ва бошқалар сўзга чиқиб, Амир Темур ва темурийлар даврининг жаҳон цивилизациясидаги ўрни, унинг маънавий, маданий ҳамда илмий меросини кенг ўрганиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

— Давлатимиз раҳбарининг миллий тарихимизни чуқур ўрганиш, бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва уни жаҳон ҳамжамияти орасида кенг тарғиб этиш борасидаги ташаббуслари барчамиз учун улкан илҳом ва масъулият манбаидир, — дейди Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдуҳоликов. — Амир Темур нафақат буюк саркарда, балки мукамал давлатчилик тизимини барпо этган, адолат, қонун устуворлиги ва тартибни таъминлаган буюк сиёсий арбоб сифатида жаҳон тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг "Куч — адолатда" деган тамойили бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Буюк темурийлар даври эса инсоният цивилизацияси тарихидаги энг юксак маданият ва илмий уйғониш даврларидан бири сифатида эътироф этилади. Айнан шу пайтда Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Термиз, Хива, Тошкент каби шаҳарлар илм-фан ва маданият марказларига айланиб, дунё илм аҳлини ўзига жалб қилган. Мазкур анжуман ана шу буюк меросни чуқур ўрганиш, унинг турли қирраларини замонавий илм-фан нуқтаи назаридан таҳлил

этиш ва янги илмий хулосалар чиқаришга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Ялпи мажлисда сўзга чиққанлар ўз маърузаларида Амир Темур шахсияти, унинг давлатчилик анъаналари, темурийлар даврига оид ноёб манбаларнинг илмий аҳамиятига кенг тўхтади. Мазкур анжуман халқаро илмий мулоқот майдони сифатида темурийлар даври меросини турли нуқтаи назардан таҳлил этиш ва янги илмий ёндашувларни шакллантиришга хизмат қилиши эътироф этилди.

Шунингдек, темурийлар даврида илм-фан, маданият ва санъатнинг юксак раванг топгани, бу мерос бугунги кунда ҳам жаҳон цивилизацияси тараққиётига хизмат қилаётгани айтилди. Иштирокчилар бу каби тадбирлар тарихий меросини англаш ва уни келажак авлодларга етказишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Конференцияда дунёнинг қатор давлатларидан келган олимлар қатнашмоқда. Жумладан, Туркия, Франция, Италия, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Қозғистон ва бошқа мамлакатлардан етакчи



Юсуф БУРҒЕВ олов суратлар.

мутахассислар ўз маърузалари билан иштирок этмоқда. Улар буюк темурийлар даври тарихи, сиёсий тизими, шаҳарсозлик анъаналари, илм-фан ва маданият ривожини каби йўналишларда тадқиқот натижаларини тақдим қилмоқда.

Хорижий иштирокчилар ўз чиқишларида Амир Темур ва буюк темурийлар даври меросининг глобал аҳамиятини, унинг Европа ва Осиё цивилизациялари ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашда тутган ўрнини алоҳида эътироф этди.

Тадбир доирасида Амир Темур даврида давлатчилик ва дипломатия, темурийлар даври ҳарбий санъати, шаҳарсозлиги ва меъморчилиги, тарихий манбалари, бу даврдаги илм-фан ва таълим, адабиёт, китобат, тасвирий санъат, ижтимоий-маънавий ҳаёт сингари мавзуларга бағишланган шубҳа йиғилишлари ўтказилди.

Иштирокчилар Амир Темурнинг пойтахтимиздаги муҳташам ҳайкали пойга гуллар қўйди. Шунингдек, қайтадан реконструкция қилинган Темурийлар тарихи Давлат музейи билан яқиндан танишилди.

Мазкур халқаро анжуман доирасида тема-тиқ кўргазмалар, қўлёзмалар намойиши, маданий тадбирлар ва илмий мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Тадбирлар 11 апрелга қадар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилиши кўзда тутилган.

Рустам ЖАББОРОВ (Халқ сўзи).

Боқий сатрлар

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қарамони, халқ шоири

МУБОРАК ВАТАНГА ҚАЙТИБ КЕЛМИШСИЗ...

Ҳар қанча фахр этсанг арзийди, ўзбек, Балқубсан бир зотини юксак шоида. Темурибк юлдузи Олтин қозқидек Чарақлар буюклар қаҳқашонида.

Во ажаб, ёлғиз бир Занжирсаройнинг Учини Урдадан ола билган зот. Турон деб аталинми қаттакон жойингиз Бағрига шунча йил сизгабди, наҳот?!

Жаҳонни мўғуллар истилосидан Қўнқар қололган барлосий ботир — Қочомай тақдирнинг тақозосидан Фотиҳ деб ном олмиш ўзи ҳам охир.

Энг улғу бинолар мужжасам бўлмиш Оламда тенги йўқ Самарқанд-ку бор: Темурибк жанг-жадал шаваққа тўлмиш, Қўлида шамишуру тағида тулпор.

Ҳукми олий билан этмиш намоён "Куч бу — адолатда", деган сўзларин. Қон тўкмиш жаҳонгир гоҳо беомон Ёвлари тикмасдан қонли кўзларин.

Отани боладан тирик айириб, Тоғу тахт талоши қизиркан борҳо. Султон не зотларнинг қўли қайириб, Муҳташам салтанат айламиш барпо.

Аллоҳим бахш этмиш шунчалар шукух, Қомиду етукдир шажара, зоти. Бир ён Бибиҳоним, бир ёнда Шохрух, Бир ёнда Улғубек — сиймас қаноти.

Не бахтким, туққан юрт бўлганда озод, Муборак Ватанга қайтиб келмишсиз. Қулоқ тутайми, деб ноахил авлод, Ташаккур, бизларни кўзга илмишсиз.

Ҳамон Ер юзида шайтон тугёни, Тилларда дуо-ю дилларда зарда. Қўриб бу ноқису нотинч дунёни Қайта босардингиз балки, саркарда.

Савийа ниятларда руҳингиз сардор, Ёвузлик чекингай, ўчгай ёмонлик. Дастингиз шамишга бормасин зинҳор, Ҳазрат, барчамизга тилаг омонлик!

МУШТАРАК ЎТМИШ ВА ИСТИҚБОЛ

9 апрель куни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоевнинг тақлифига биноан Қозғистон Республикаси Парламент Сенати Раиси Маулен Ашимбаев бошчилигидаги делегация Самарқанд шаҳрига амалий ташриф билан келди.

Форум

Ташриф доирасида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор муҳим тадбирлар режалаштирилган. Хусусан, делегация аъзолари ўрта-сида икки томонлама учрашув ўтказилиб, парламентларо мулоқотни ривожлантириш ва таж-

риба аллашиш масалалари муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қозғистон Республикаси Парламент Сенати ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича комиссиянинг бешинчи йилгилиши ўтказилиши назарда тутилган.



Шунингдек, "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университетидега "Умумий ўтмишда —

муштарак келажак сари" мавзuida ўзбек — қозғистон илмий-ижодий зиёлиларининг иккинчи форуми бўлиб ўтади. Унда буюк мутафаккирлар, шоир ва олимлар, фойласуфлар меросини асраб-авайлаш ҳамда тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Делегация аъзолари форум доирасида ташкил этиладиган илмий, бадиий ва ижодий ишлар кўргазмаси, шунингдек, инновациялар ва технологиялар бунчаги билан танишади.

«Халқ сўзи».

ҲАЛОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ – БОШ МЕЗОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида Президент ҳузурда ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ихроси доирасида ички ишлар органлари ходимлари учун аҳоли муносабатлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга қаратилган ўқув курси ташкил этилди.

Семинар

Тадбирда Президент Администрацияси тегишли таркибий бўлинмалари, Олий Мажлис Сенати, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адвокатлар палатаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, шунингдек, академиянинг етакчи профессор-ўқитувчилари ва соҳа экспертлари иштирок этди.

Ўқув курсида Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари

Содиқ Сафоев ҳамда Сенатнинг Суд-хуқук масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Абдулҳаким Ҷамратов иштирок этди, профессионал муомала маданияти, самарали коммуникациянинг илмий асослари, низоларни бошқариш ва психологик усуллар, манзилли ишлаш концепцияси, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш борасида амалга оширилган иш-хотиралар юзасидан маъруза қилди.

Сенаторлар ўз чиқишида соҳа ходимларининг аҳоли билан ишлашдаги профессионал компетенцияларини ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Ички ишлар ходимининг муомала маданияти, бу, давлатга ишонч кўзгуси экани таъкидланди. Зеро, фуқаро тизим ходими билан мулоқотда нафақат тартиб посбонини, балки давлатнинг адолати ва ҳимоясини кўради.

«Халқ сўзи».

Муносабат

Амир Темури даврида юксалган анъаналар

Президентимизнинг кеча Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказида иш бошлаган “Амир Темури ва темурийлар тамаддунининг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция иштирокчиларига йўлдош табригида мазкур илмий форум диёримиз тарихидаги улугвор ва ёрқин босқични ташкил этадиган Иккинчи Ўйғониш даври — темурийлар Ренессанси моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, қизгин муҳокама қилиш, янги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, Амир Темури жаҳон тарихида буюк саркарда, давлат арбоби ва маънавият ҳомиеси сифатида алоҳида ўрин тутди. Темурийлар даврида шаклланган кадриятлар тизими жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига чуқур таъсир кўрсатган. Айнан шу палла “Иккинчи Ренессанс” даври деб аталган ҳам бежиз эмас, чунки бу йилларда кўп жиҳатдан илм-фан ва маданият мисли кўрилмаган даражада ривожланган ҳамда шаклланган кадриятлар тизими жаҳон ҳаётининг барча жабҳаларида ўз аксини топган.



Темурийлар даврида илм-фан ва маданиятга катта эътибор қаратилди, меъморчилик ва санъат юқори чўққига чикди. Айниқса, кейинги авлод вакиллари, жумладан, Мирзо Улуғбек томонидан илм-фан янада ривожлантирилди. Мадрасалар ва кутубхоналар қурилди, олимлар ва шоирлар кўллаб-қувватланди, астрономия, математика, тиббиёт соҳалари тараққий

этди. Бу жараёнлар жаҳоннинг маънавий юксалишига олиб келди. Самарқанд ва бошқа шаҳарлар жаҳон миқёсидаги маданий марказларга айланди. Масжидлар, мадрасалар ва саройлар барпо қилинди, нақшошлик ва ҳунармандчилик ривожланди, шаҳарсозлик санъати юксалди. Бу даврда қурилган обидалар ҳозиргача ўз гўзаллиги билан дунёни ҳайратга солиб келмоқда.

Амир Темури ўз кўшигида қатъий интизом ўрнатгани ҳамда ватанпарварлик руҳини кучайтиргани билан ҳам тарихда қолди. Аскарларнинг садоқати ва жасорати руҳида тарбияланган, ҳарбий стратегия ва тактика юқори даражада бўлгани, Ватан

Ўзбекистон — Россия:

Кўп қиррали алоқаларнинг янги босқичи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Россия Федерацияси Бош прокуратураси ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, Россия Федерацияси Бош прокурори Александр Гуцан бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи ушбу муносабатларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ҳамкорлик

Делегация аъзолари дастлаб Ғалаба боғига ташриф буюрди. Россия Федерацияси Бош прокурори А. Гуцан “Матонат мадҳияси” монументига гулчамбар кўйди.

Шунингдек, ташриф доирасида икки давлат назорат органлари раҳбарлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев мамлакатимиз ва Россия Бош прокуратуралари ўртасидаги алоқалар серқирра ва динамик тавсифга эга эканини қайд этди.

Учрашувда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида давлат ҳамда жамият ҳаётининг барча жабҳасида, жумладан, суд-хуқук соҳасида, шунингдек, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар ҳақида Россия делегацияси вакиллари маълумот берилди.

Дўстона ва конструктив мулоқот чоғида томонлар ҳамкорликнинг жорий ҳолатини муҳокама қилиб, идоралараро алоқаларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олди.

РАДДИЯ ТАЛАБИГА РАДДИЯ

Таҳририятимизга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан хат келди. Ахборот хизмати бошлиғи Х. Кличев имзоси билан юборилган бу хатда “Халқ сўзи” газетасининг 2026 йил 25 март сонида чоп этилган “Сўзбўямачилик ёхуд баъзи ташкилотларнинг халқ муносабатларидаги панжа орасидан қараётгани хусусида” сарлавҳали мақола ҳақида сўз боради.

Таҳририят очтасидан

Таъкидлашганича, мақолада келтирилб ўтилган Кармана тумани “Кўҳна кўрғон” МФИДА яшовчи фуқаро Маржона Қурбоновнинг 3 нафар фарзандига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олишда ёрдам сўраб қилган мурожаати юзасидан 2026 йил 6 январь кuni Кармана тумани ФХДё бўлими билан ҳамкорликда амалий чоралар кўрилган, янги гувоҳномалар расмийлаштириб берилган. Шу боис газета мазкур факт бўйича раддия эълон қилиши лозим, дейилади унда.

Чиндан ҳам, агар хатда айтиб ўтилганидек, мурожаатчининг илтимоси 6 январь кuni қондирилган бўлса, демак, йил якунида бу ҳали ўз ечимини топмаган масала сифатида қолган. Шу нуктага назардан, мақолада нотўғри факт келтирилган, дейиш ноўрин.

Бирок ахборот хизмати раҳбари бир жиҳатга эътибор қаратмаган. Мақола 25 март кuni чоп этилган бўлса-да, унда 2025 йили якунлари ҳақида гап кетган. Хусусан, “Утган йили Навоий вилояти аҳолисида Президентнинг Халқ қабулхоналариغا 40 426 та мурожаат келиб тушган” деб бошланган мақолада муаллиф 13 930 та мурожаатга идоралар фақат тушунтириш бе-

ри билан чекланганини ёзади ва мисол тариқасида Маржона Қурбоновнинг мурожаатини келтиради.

Бундан ташқари, Х. Кличев хатда “Ўзбекистон Республикасининг “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, журналист ўзи тайёрлаётган материалларнинг ҳаққонийлигини текшириши ҳамда ҳолис ахборот тақдим этиши шарт”лигини эслатади. Лекин шу Қонуннинг 15-моддаси ёки “Оммавий ахборот воситалари тўғриси-

да”ги Қонуннинг 40-моддаси талаблари ҳақида лом-мим демайди. Ваҳоланки, бу моддаларда агар маълумот расмий манбадан олинган бўлса, унинг ҳақиқатга тўғри келиши ёки келмаслиги учун журналист жавобгар бўлмастлиги белгилаб қўйилган. “Сўзбўямачилик ёхуд баъзи ташкилотларнинг халқ муносабатларидаги панжа орасидан қараётгани хусусида” сарлавҳали мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилоятидаги Халқ қабулхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳамда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашига киритилган ахборот воситасида тайёрланган бўлиб, бу ахборот 18 март кuni вилоят Кенгаши сессиясида кўриб чиқилган. Шу боис мақола муаллифида унинг



ҳаққонийлигини шубҳа остига олишга ҳеч қандай асос йўқ эди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бу расмий ахборот вилоят Кенгашига 2026 йил 8 январь кuni киритилган. Маржона Қурбоновнинг мурожаати эса 6 январда (яъни икки кун олдин) ўз ечимини топган. Агар бу ҳақда Халқ қабулхонасига ўз вақтида ҳисобот берилганида, бу мисол Халқ қабулхонасининг халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашига киритган ахборотида ҳам, табиийки, мақолада ҳам ўз аксини топмаган бўларди.

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш масалалари юзасидан 13 март кuni бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз айрим вазирлик ва идоралар мурожаатларга ечим бериш ўрнига юзакли жавоб билан чекланаётганини танқид қилган, улар мурожаатлар билан ишлашни чуқур таҳлил ва масъулият асосида ташкил этиши шартлигини кўрсатиб ўтган эди. Шу жиҳатдан, газетда чиккан ҳар бир танқидий мақола раҳбарларга ишни янада яхшироқ ташкиллаштириш учун бир сигнал бўлиши керак. Афсуски, баъзи ҳолларда раҳбарлар ўзларини оқлаш билан овора бўлмоқда. Ахборот хизматлари эса журналистларга хос ҳолислик тамойилини унутубди, адвокатлик вазифасини бажаришга, ҳолис.

«Халқ сўзи».

Таҳлил ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

Ҳар қандай сиёсий кучнинг сайловлардан кейинги фаолияти, шубҳасиз, навбатдаги сайловларга тайёргарлик ҳисобланади. Ана шундай талабдан келиб чиқиб, мамлакат сиёсий майдонидagi иккинчи йирк партия — “Миллий тикланиш” ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси асосий эътибори айни пайтда Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ҳамда сайловчилар манфаати йўлидаги ташаббуслар ихросига қаратилган.

“Қадриятларга таянган тараққиёт” шиори остида фаолият олиб бораётган “Миллий тикланиш” ДП, қарийб ўн йилдирки, “Инсон — жамият — давлат” ва “Инсон қадрини учун” эзгу тамойилларига асосланган Янги Ўзбекистон ислохотларини кўллаб-қувватлаб келяпти.

Кайд этиш жоизки, 2026 йилнинг биринчи чорағида партия ва унинг фракцияси фаолияти самарали кечди: жойларда 882 та учрашув ташкил этилиб, уларда 20 мингдан зиёд фуқаролар камраб олинди. Энг асосийси, ана шу тадбирлар давомида сайловчилар кўтарган 1221 та масаланинг 172 таси жойида ҳал қилинди. Туман ва шаҳарлар миқёсидаги 652 та, вилоятларга тегишли 375 та ҳамда республика даражасидаги 22 та масала ечими эса депутатлар томонидан назоратга олинган. Бундан ташқари, жойларда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, Сайловолди дастурида илгари сурилган гоя ва ташаббусларни амалга ошириш, тарбия ҳамда таълим тизими, педагоглар мақоми ва туризм соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилди.

Энг асосийси, 60 та қонун лойиҳаси юзасидан парламентда кечган муҳокамаларда сайловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қатъий ҳимоя қилиниб, улар томонидан билдирилган тақлифларнинг аксарияти қонунчиликка сингдирилди. Шунингдек, жойларда илгари сурилган 38 та муҳим тақлифнинг ўндан зиёидан қонунлар ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнида фойдаланилди.

Урганишлар давомида аниқланган ҳаётий муаммолар ечим юзасидан давлат ва ҳўжа-лик бошқаруви органлари раҳбарларига 3 та депутатлик сўрови юборилди. Тизимли муаммолар, қонун ва қонуноти ҳужжатларининг ижро ҳолати юзасидан эса тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ҳам эшитилди.

Маълумки, янги йилдан бошлаб, депутатлар ҳар ойнинг охири ҳафтасида ўз сайлов округларига бўлиб, Янги Ўзбекистон ислохотлари натижалари билан танишмоқда. Ана шу жараёнда сайловчиларга Президентимизнинг фармон ва қарорлари, видеоселектор йиғилишларида муҳокама этилган масалалар, қонунчиликдаги ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил ахборот бериляпти. Якунда эса фуқароларнинг ўйлаётган ижтимоий муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал қилиш чоралари кўриляпти. Аҳоли ва бизнес субъектлари билан ўтказилаётган ана шундай очик мулоқотларда ҳам ислохотлар ривож ва тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган масалалар бўйича қонунчиликка тақлифлар олинляпти.

Жумладан, 28 — 31 январь кунлари ташкил этилган ўрганишларда жамоатчиликка Президентимиз иштирокида ўтган тадбирлар, хусусан, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлиги бўйича 2026 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар, жамоат ҳафтасизлигини таъминлаш юзасидан ўтказилган йиғилишларнинг аҳамияти тўғрисида асосланган ахборотлар берилди. Бу борада сайловчиларнинг тақлиф ва мулоҳазалари ўрганилиб, партиянинг мақсад ва вазифаларида келиб чиққан ҳолда, ижтимоий объек-лардаги шароитлар таҳлил қилинди.

Тўрт кун давом этган ана шу учрашувларда жами 240 дан ортик объектлар — фуқаролар йиғини, аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари-даги ҳолатлар атрофида ўрганилди. Жойларда аҳоли билан ўтказилган 160 га яқин учрашувларда салкам 120 та масала кўтари-илган бўлса, уларнинг 50 га яқини жойида ҳал этилди. Қолганларига эса маҳаллий ижро ҳўқимияти билан биргаликда ечим топиш чо-ралари кўрилди.

26 — 28 февраль кунларидаги ўрганишлар давомида ҳам 229 та учрашув ташкил этилди: энг асосийси, маҳаллий Кенгаш депутат-лари ҳамроҳлигида ўтган сайёр қабуллар, юзма-юз учрашувлар, “Депутат қабуллари” ва ёшлар билан очик мулоқотларда аҳолини ўйлантираётган 200 дан зиёд ҳаётий муам-молар, ёшларни кўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш масалаларига ечимлар изланди. Шу ўринда депутатлари-миз Тарбия фани дарслигининг ўқитилишини

назорат-таҳлил тартиби-да алоҳида ўрганишларни ташкиллаш жоиз. Чунки Президентимиз ташаббуси билан ёшлар онгага умуминсоний қа-дриятлар ва юксак маъна-виятни чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий-тарбиявий иш-ларни янгица асосда олиб бориш мақсадида 2020 йили жорий этилган Тарбия фани ҳамон мактабларимизда кўтилган даражада ўқитил-маяпти.

Фракция аъзоларининг навбатдаги ўрга-нишларида сайловчилар томонидан кўтари-илган 200 га яқин масалаларнинг 138 таси ту-ман ва шаҳар, 30 таси вилоят, қолгани эса республика даражасидаги масалалар ҳисоб-ланади. Уларнинг 59 таси, яъни 29,6 фоизи жойида ҳал этилди. Соҳалар кесимида таҳ-лил қилинганди, энг кўп мурожаат таълим, соғлиқни сақлаш, маҳалла фаолияти, транс-порт ва йўл қурилишидан тушган.

Маълумки, парламент куйи палатаси депу-татларининг сиёсий фаолиги ва сайловчи-лар олдидаги масъулияти ҳақида гап кетган-да, уларнинг ташаббускорлигини янада ку-чайтиришга бежиз ургу берилмаяпти. Шу мақ-садда 2025 йил 29 августда Президентимиз-нинг “Ташаббусли бюджет жараёнини тақ-комиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорликни кучайти-риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.

Ушбу тарихий ҳўжжатда белгилаб берил-ган вазифалардан келиб чиқиб, фракция аъзо-ларининг 24 — 27 март кунларидаги ўрга-нишларида ижро органи вакиллари, маҳал-лий Кенгаш депутатлари ҳамда партиянинг худудий кенгаш аъзолари ҳамроҳлигида асосий эътибор етарлича овоз тўплай олма-ган лойиҳаларга қаратилди. Шу мақсадда жой-ларда 300 га яқин учрашувлар ташкил эти-либ, 140 дан ортик ижтимоий объеклардаги шароитлар таҳлил қилинди. 150 та маҳалла, 30 дан ортик тадбиркорлик субъектлари ўрга-ниди. Мақсад аҳолининг кундалик ҳаётини янада яхшилашга хизмат қилувчи 29 та лойи-ҳани таллаб олиш эди.

“Миллий тикланиш”чилар тўрт кунлик ўрга-нишлар давомида ўз мақсадларига эришди, деб бемалол айтиш мумкин: фракция аъзо-лари учун ажратилган 95 млрд. 700 млн. сўм маблагнинг қарийб 47 млрд. сўмини сарф-лаш бўйича лойиҳалар таллаб олинди. Таъ-кидлаш жоизки, аксарият лойиҳалар партия-вий мақсад ва вазифалар ҳамда гоялар их-росидан келиб чиққан ҳолда танланди: мак-таб ва мактабгача таълим ташкилотларида ҳал этилмаётган муаммолар, қишлоқда мактаб-гача олиб борадиган сифатсиз йўл ва кўприк-лар, коллеж ва бошқа таълим масканларини таъмирлаш шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асо-сида шундай лойиҳаларни фуқароларнинг тан-лови бўйича молиялаштириш, яъни “Ташаб-бусли бюджет” институти бугун ўзини тўла оқламақда. Депутатлар танлови билан молия-лаштириладиган “иккинчи имконият” эса бу тажрибани янада самарали ва халқий лойи-ҳага айлантиряпти. Ва албатта, Президентим-из ташаббуси билан бошланган илк амалиёт, шубҳасиз, жойлардаги ижтимоий муаммо-ларни маънавий ҳал қилиш ва халқ вакиллари билан аҳоли ўртасида ишончли муस्ताҳма-лашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда фракциянинг партия билан ало-қалари мулқоқ янги тизим асосида ривожла-наётганини, бунда депутатлар катта кучга ай-ланаётганини айтиш жоиз. Партиянинг асосий электорати саналган мактабгача таълим муас-сасалари тарбиячилари ва умумий ўрта таъ-лим тизимида фаолият олиб бораётган тарбия-чи педагогларни кўллаб-қувватлаш, ёшлар ва аёллар муаммоларига самарали ечим топиш-га қаратилган лойиҳалар самарадорлигини оширишда ҳам депутатлик корпуси асосий ташаббускор сифатида майдонга чиқмоқда.

Алишер КОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
«Миллий тикланиш» ДП фракцияси
раҳбари.

Янги лимонзорлар барпо этиш ва кўчатлар харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳар бир сотиш учун 300 минг сўмгача миқдорда субсидия сифатида қоплаб берилади.

10 апрель — Абдулла Қодирий таваллуд топган кун

ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТ

Абдулла Қодирий — ўзбек халқининг бетакрор адиби. Бир аср оралиғида ўнлаб романлар ёзилди, аммо улар орасида “Ўткан кунлар”дан ўтадигани бўлмади. Бу ижодкорнинг ҳаёти, инсонни яхши билиши ва улуг сўз муҳандиси эканини аниқлатади. Шу жихатдан қараганда, Қодирийнинг юксак маҳорати бугунги калам ахли учун улкан дорилфунундир.

Тошкентдаги марказий кўчалардан бири, Чорсу атрофидаги маданият ва истироҳат боғи, Юнусобод йўналишидаги метро бекати, ижод мактаби ҳам адиб номи билан аталади. Самарқанд дарвоза кўчасидаги уй-музейга борсангиз, қош-кўзлари Қодирий бобомизга ўхшаб кетгучи, адибнинг невариси Хондамир Қодирий маскандаги нодир буюмлар билан таништиради, улар билан боғлиқ хотираларни бажонидил сўзлаб беради. Икки қаватли шйшон, нақшкор эшиклар, хунармандликнинг нодир устунлари ва ранг-баранг деворлар ўша даврнинг оғриқлари ва ижод машаққатини биров бўлса-да, ҳис қилишга ёрдам беради. Беҳтиёр сўрида қўлида китоб тутиб, ўткир ва ўйчан назар билан атрофга қараётган Абдулла Қодирий ҳайкали адиб билан ёнма-ён тургандек ҳис ўйотади, гоёйбона сирлашгингиз келади.

— Бундан 89 йил муқаддам 31 декабрда ёзув ва мустамлақчи кўчалар шу хонадондан бобомни олиб кетишган, — дейди уй-музей раҳбари Хондамир Қодирий. — Мунаввар қори бошчилигидаги жадид зиёлилар сургун қилинган даврда бу қаттол тузум

Шу пайтгача улуг ёзувчи ижоди ва у яшаган хонадонга бунчалик эътибор бўлмаган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йилда Абдулла Қодирий яшаган уй музейга айлантирилди. Шундан кейин адиб ижодини тўқис ўрганишга имконият яратилди. “Ўткан кунлар” асари рус, инглиз, хитой, араб, немис тилларига таржима қилинди. Эндликда музейга нафақат юртдошларимиз, балки хориждан ҳам адабиёт шайдолари келяпти. Албатта, бобом ҳаётини идрок этиш учун архив материалларини ўрганиш керак. Асарларидаги бирор образ тасодиф эмас, ҳаммаси ҳаётдан олинган. Юсуфбек, Отабек, Мирзо Анвар, Обид Кетмон — бобомнинг ўзи булар! Қодирий тасвирлаган Юсуфбек ҳождек бобом

ҳаётини ҳаётини идрок этиш учун архив материалларини ўрганиш керак. Асарларидаги бирор образ тасодиф эмас, ҳаммаси ҳаётдан олинган. Юсуфбек, Отабек, Мирзо Анвар, Обид Кетмон — бобомнинг ўзи булар! Қодирий тасвирлаган Юсуфбек ҳождек бобом

ҳаётини ҳаётини идрок этиш учун архив материалларини ўрганиш керак. Асарларидаги бирор образ тасодиф эмас, ҳаммаси ҳаётдан олинган. Юсуфбек, Отабек, Мирзо Анвар, Обид Кетмон — бобомнинг ўзи булар! Қодирий тасвирлаган Юсуфбек ҳождек бобом



нималарга қодирлигини бобом яхши билган. 1938 йил 4 октябрь кунини қатл этилган, аммо ҳаёт ва мамотида оид расмий ҳукм 5 октябрда чиқарилган. Кейин “халқ душманининг ўғли” сифатида отам Ҳабибулла Қодирийни ҳам Сибирь, Қарағанда — Қозғоситон чўларига сургун қилишди. Тақдирни қарангки, бобомни сўроқ қилган терговчи отамни ҳам сўроққа тутди. Абдулла Қодирий оқлини жароғидан эса отам шу терговчи билан юзма-юз келади, у ўзини айбдордек сезади. Маълум бўлишича, тергов жарёнларидан кейин ўша терговчининг ҳам бошига сургун — саргардонлик қисмати тушади.

ижодий меросини халқро микёсда эътироф этиш ва унинг ўлмас асарларига қизиқиш ҳам йил сайин ортиб бормоқда.

— Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби бу йўналишдаги дастлабки масканлардан бири ҳисобланади, — дейди мазкур ижод мактаб директори Шоира Содикова. — Ушбу муассасага ўқувчилар 7-синфдан танлов асосида, махсус имтиҳонлар ёрдамида билими ва истеъдоди кўра саралаб олинади. Истеъдодли ўқувчиларимизнинг илк китоблари нашр қилинмоқда. Улар орасида Самариддин Қодирийнинг ҳижолавар тўпламини эътироф этиш мумкин.

Адиба УМИРОВА («Халқ сўзи»)

АДИБНИНГ МЕҲРИ ТУШГАН МАҲАЛЛА

“Мен Марғилон кўчаларида юриб, карвонсарой, эски Ўрда ўринларини белгилладим. Мирзакарим қўтидор, уста Олим, Хомид, Содиклар уйини тахминладим ва “Хўжа Маъоз”да бир кеча тунадим...”

Ўзлик

“Хўжа Маъоз” зиёратгоҳининг Марғилон шаҳридаги табаррук масканлигини яхши билган ёзувчи Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романида ушбу қадимий гўшани тас-

даги Хўжамағиз маҳалласидаги зиёратгоҳ халқ орасида “Хўжамағиз”, “Хаста Маъоз” мазори, дея аталади. Бизгача етиб келган тарихий манбаларда ушбу мазор номи Ҳазрат Маъоз Жабал, дея тилга олинади.

— Болалигимизда нурунийлардан Абдулла Қодирий ва унинг адабий қаҳрамонлари билан боғлиқ аждоғимиз хотираларни эшитганимиз, — дейди “Ёйилма” МФИда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Абдухашим Ибрагимов. — Шундай табаррук зотнинг изи қолган маҳаллада яшайётганимдан фаришадиман. Маҳалладаги 1,5 мингдан зиёд оилаларнинг 80 фоизи хунарманд, ўзим ҳам сандиксозликка бешинчи авлод вақилиман. Марғилонда Қумуш, Отабек, Абдулла ёки Абдуллох исми ҳамон урфда.

Бир неча йиллардан буён Марғилонда яшаш ўтган маданият ва санъат соҳаси намояндалари хотиралари асосида Абдулла Қодирий юрган йўллар, маҳаллалар, зиёратгоҳлар ва у сўхбатлашган инсонлар ҳаёти кунт билан ўрганилмоқда. Бурҳониддин



вирларкан, “Бир неча юз йиллардан бери яшаб, фавқуллод зўрайиб кетган “Хўжа Маъоз” мазорининг чакалаги бу қоронғуликка бир манба каби эди”, деб ёзади. Адибимиз Марғилонга келган кезлари зиёратчилар билан сўхбатлашди, уларнинг бирда ёқимли, бирда қайғули хотираларини қозғога туширади.

Бугунги кунда Марғилондаги Ёйилма ва унга ёндosh худудда жойлашган Фарғона шаҳри тасарруфи

Марғилоний мажмуасида “Отабек ва Қумуш уйи” қад ростлаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

— Мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари, қўшни мамлакатлар ва туркий давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар Қодирий ва Қумуш билан боғлиқ жойларни кўрсатишимизни сўрашади, — дейди Фарғона вилояти туризм бошқармаси бошлиғи ўринбосари Музаффар Темиров. — Шу сабабли, “Отабек ва Қумуш уйи” туризм мажмуасига уйғун ҳолда икки-уч кунлик туризм йўналиши ишлаб чиқилмоқда. Эндликда саяёҳлар “Ўткан кунлар” асари муаллифи ва адабий қаҳрамонлари билан боғлиқ маҳаллаларни тўлиқ зиёрат қилиш имконига эга бўлади.

Бугун Ёйилма ва Хўжамағиз маҳалласини темир йўл иккига ажратиб туради. Аммо азалдан кўни-кўшни бўлиб яшайдиган маҳаллалар ахлининг яхши-ёмон кунлари биргалиқда ўтади. Хўжамағизликлар ҳам дўхдончилик миришқорли, айниқса, гулчиликда уларнинг олдиға тушадигани йўқ.

Марғилоннинг бу маҳаллалари оддий худуд эмас. Улар — ўтмиш ва бугунни боғлаб турган қадриятлар маскани. Қодирий қалами билан абайланишган муҳаббат, садокат, ор-номус руҳи бугун ҳам бу жойларда сезилиб туради.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»)

МАМЛАКАТ НУФУЗИНИ НАМОЁН ҚИЛАДИГАН КАТТА КУЧ

Президентимиз раислиғида 7 апрель кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида янги парадигма бошлаб берилди. Бу йиғилиш спортни алоҳида соҳа сифатида эмас, балки миллат салоҳияти, соғлиқ ва ижтимоий барқарорлиқни белгилайдиган стратегик тизим сифатида кўриш заруратини очик-ойдин намоён этди. Соҳада эришилаётган ютуқлар билан бирга, муаммолар ҳам таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга аниқ вазифалар белгиланди.

Олий таълим спортнинг интеллектуал базасига айланиши шарт. Йиғилишда алоҳида урғулانган муҳим нуқта — олий таълим муассасаларида спорт тизимининг етарлича ишламаётгани. Аслида, университетлар иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни илмий асосда тайёрлаш, спорт ва таълимни уйғунлаштириш учун энг самарали платформа бўлиши керак. Аммо амалда қатор тизимли муаммолар мавжудлиғига эътибор қаратилди. Федерациялар билан самарали интеграция йўқ, иқтидорли талабаларга индивидуал ёндашув шакланмаган, спорт илмий тадқиқотлар билан етарли боғланмаган.

Нуқтаи назар

Президентимиз томонидан Термиз университетини таълим тизимини ўрганиш ва 207 та олийгоҳда жорий этиш бўйича берилган топшириқ локал ютуқдан миллий тизимга ўтишини аниқ қадамдир. Мазкур таъриба ҳақиқатан ҳам спортни ўқув жараёнига интеграция қилиш, талабалар билан индивидуал ишлаш механизмларини жорий этиш, спорт натижаларини баҳолашда аниқ индикаторларни қўллаш каби жихатлари билан аҳамиятли.

Тизимли бўшлиқлар, яъни ташаббуслар етишмаслиги ва “тайёр спортчи” синдроми ҳам аҳамият қаратилди. Спорт мактаблари ва федерациялар фаолиятидаги асосий муаммо проактив эмас, реактив ёндашув устунида. Яъни иқтидорлиларни излаш ўрнига тайёр спортчилар билан ишлаш, хусусий сектор билан ҳамкорликнинг сустлиғи, бошқарув кадрларининг самарадорлиғи пастлиғи тизим ислохотларини секинлаштирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мураббийлар иш ҳақини ўқувчи натижасига боғлаш, муваффақиятли спорт мактабларини қўшимча рағбатлантириш каби тақлифлари айнан шу бўшлиқни тўлдирмоқда қаратилди.

Иқтисодий ва ижтимоий драйвер

Жаҳонда падел теннис, сквош каби янги спорт турлари жадал омалашмоқда. Бу икки муҳим имкониятни очади — ёшларни спортга жалб қилишнинг замонавий формати ва хусусий инвестициялар орқали инфратузилмани ривожлантириш. Бироқ бу соҳада ташаббуслар етишмаслиғи спортни иқтисодий сектор сифатида ривожлантириш имкониятларини чекламоқда. Мазкур тизимда илмий бошқарува ўтиш зарурати мавжуд. Бугунги кунда спортни ривожлантириш фақат инфратузилма билан эмас, балки илмий таҳлил ва рақамли бошқарув асосида амалга оширилиши шарт.

Хусусан, физиологик ва психологик таҳлиллар, индивидуал тренинг методикалари, рақамли мониторинг тизимлари замонавий спорт бошқарувининг ажралмас қисмига айланиши лозим. Бу эса спортни “evidence-based” (далилларга асосланган) бошқарув босқичига олиб чиқади.

Бугунги кунда федерациялар билан ҳамкорлик ҳамда иқтидорли ўқувчи ва талабаларга индивидуал мураббий бириктириш тизимининг йўқлиғи, спортни илмий тадқиқотлар билан боғлашнинг етарли эмаслиғи асосий камчиликлар сифатида намоён бўлмоқда. Спортда самарали тизим учун қатор муҳим ёндашувлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Биринчиси, узлуқсиз вертикал интеграция — “мактаб — федерация — университет” модели орқали иқтидорли ёшлар узлуқсиз ривожланади.

Иккинчиси, индивидуал ривожланиш дастурлари (ИДП) мавжуд. Хар бир спортчи учун мураббий, шифокор, илмий раҳбар иштирокида ишлаб чиқилган дастур жорий этилиши зарур.

Учинчиси, спорт иқтисодиётини ривожлантириш, хусусий инвестициялар, клублар ва академиялар, янги иш ўринлари орқали спорт иқтисодий драйвер лойиҳаларга айланади.

Тўртинчиси, рақамли шаффофлик. Спорт натижалари ва тизим самарадорлиғи очик рейтинг ва мониторинг орқали баҳолини қилиш керак.

Коллаверса, илм-фан ва спорт интеграциясини кучайтириш — спорт, соғлом турмуш бўйича илмий марказлар, лабораториялар ташкил этиш орқали натижадорлиқни ошириш мумкин.

Селектор йиғилиши спорт соҳасида тизимли трансформация зарурлигини кўрсатди. Бу эса хар бир раҳбар, айниқса, таълим тизими вакилларидан янгича фикрлаш, ташаббусдорлик ва масъулият талаб қилади. Соғлом, интизомли ва рақобатбардор авлодни тарбиялаш бу фақат спортнинг вазифаси эмас, балки миллат келажагини белгиловчи мақсад ҳамдир. Шу маънода, бугунги кун талаби битта: спортни тизим эмас, ҳаётий зарурат даражасига кўтариш.

Натижага асосланган янгича ёндашув

Эндликда оммавий спорт самарадорлиғи фақат қамров билан эмас, аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари билан ҳам баҳоланади. “Саломатлик баланси” модели тиббиёт, спорт, ижтимоий бошқарув интеграциясининг амалий ифодаси. Бу ёндашув спортни “ҳисобот учун фаолият”дан “соғлиқни бошқариш инструменти”га айлантиради.



“Соғлом ҳаёт волеонтёрлари” корпоратив шакллантириш ташаббуси жамиятнинг ички ресурсларини сафарбар этишнинг энг самарали модели, десак, аниқ ҳақиқат. Бу спортни кундалик ҳаётга сингдиради, ўз-ўзини рағбатлантиришни кучайтиради, маҳалла институтининг ролини янги босқичга олиб чиқади. Энг муҳими, спорт мажбурият эмас, оммавий қадриятга айланади. Чунки соғлом турмуш тарзи ижтимоий маданиятдир. Энг намунали маҳаллаларни спорт анжумлари билан таъминлаш, волонтерлар ва маҳалла раисларини моддий рағбатлантириш, тренерларга юқори устамалар белгилаш — буларнинг барчаси натижага асосланган бошқарув тизимининг амалий кўриниши ҳисобланади.

Айниқса, юрак-қон томир касалликлари ва диабет каби хасталиқлар қамайиши билан бевосита боғланган рағбат механизми, бу, спорт сиёсатининг тиббий самарадорлик билан узвийлигини аниқлатади. Ўз навбатида, бу қатор ижобий натижаларни келтириб чиқаради: соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган юк қамаяди, меҳнат унумдорлиғи ошади, ижтимоий фаровонлик мустаҳкамланади.

“Krossfit” машғулотларини таълим муассасаларида жорий этиш катта инфратузилма талаб қилмайди, оммавий камровни оширади, ёшларнинг кундалик фаоллигини кучайтиради. Шу маънода, унинг “Беш ташаббус” тизимига киритилиши айни муддао бўлди. Бу энг иқтисодий ва инклюзив ечимлардан бири ҳамдир.

Халқро индекслар ва спорт иқтисодиёти

Жаҳон амалиётида спорт ва жисмоний фаоллик даражаси бевосита инсон қалитали сифати билан боғлиқ. Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумот-

“Эндликда оммавий спорт самарадорлиғи фақат қамров билан эмас, аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари билан ҳам баҳоланади. “Саломатлик баланси” модели тиббиёт, спорт, ижтимоий бошқарув интеграциясининг амалий ифодаси. Бу ёндашув спортни “ҳисобот учун фаолият”дан “соғлиқни бошқариш инструменти”га айлантиради.”

ларига кўра, жисмоний фаоллик етишмаслиғи хар йили миллионлаб эрта ўлимларга сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, фаол турмуш тарзи юрак-қон томир касалликлари 30 — 40 фоиз қамайтиради, 2-тиофа диабет хавфини сезиларли даражада пастайтиради, руҳий саломатликни мустаҳкамлайди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққий ташкилоти тадқиқотлари эса спортга инвестиция қилган давлатларда меҳнат унумдорлиғи ҳамда умр давомийлиғи юқори эканини тасдиқлайди. Демак, спорт узок муддатли иқтисодий инвестиция ҳамдир.

Бугунги кунда спорт сиёсатининг энг долзарб вазифаларидан бири уюшмаган ёшларни қамраб олиш. Халқро таъриба шуни кўрсатадики, спортга жалб қилинган ёшлар орасида жиноятчилик даражаси кескин қамаяди, ижтимоий мослашув ва лидерлик қўнимлари ошади, бандлик ва касбий йўналиш аниқ шаклланади. Масалан, Финляндия таърибасида мактабдан ташқари спорт клублари орқали ёшларнинг 70 фоиздан кўпроги мунтазам жисмоний фаолликка жалб қилинган. Бу моделини Ўзбекистон шароитида ҳам маҳалла ҳамда таълим тизими интеграцияси орқали самарали жорий этилиши мақсада мувофиқ албатта.

Тасвифлик жоизки, спорт иқтисодиёти бугунги кунда глобал микёсда триллионлаб доллар айланмага эга бўлган сектор ҳисобланади. Профессонал хизматлар кўрсатуви компаниялардан бири — “PwC”

Соғлиқни сақлаш тизими билан интеграция, яъни шифокор тавсияси асосида жисмоний фаоллик дастурларини жорий этиш мақсада мувофиқ. Зеро, оммавий спортни ривожлантиришнинг энг самарали йўли уни алоҳида соҳа эмас, балки жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айлантиришдан иборат. Шу маънода, кексалар, ёшлар ва барча қатлами қамраб олган яхлит тизим яратилса, спорт нафақат соғлиқ, балки миллий тараққийнинг кучли драйверига айланади.

таҳлилларига кўра, спорт индустрияси туризм, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма ривожига кучли туртки беради, хар бир спортга киритилган инвестиция кўп баробар иқтисодий наф келтиради.

Шу нуқтаи назардан, спорт туризмни ривожлантириш — Ўзбекистон учун катта имконият. Тоғли худудлар, тарихий масканлар ва иқлим шароити бу борада катта салоҳиятга эга. Спортнинг яна бир муҳим жиҳати, миллат генофондини сақлаш ҳамда ривожлантиришдаги ролidir. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жисмоний фаоллик репродуктив саломатликни яхшилади, соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилиш эҳтимоли юқори бўлади. Эпигенетик омиллар орқали соғлом турмуш тарзи кейинги авлодларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Дунёнинг замонавий тиббиёт концепциясида даволашга эмас, балки профилактикага асосий урғу берилди. Харвард тиббиёт мактаби тадқиқотлари кўра, мунтазам жисмоний фаоллик дори-дармонларга эҳтиёжини кескин қамайтиради, соғлиқни сақлаш харажатларини оптималлаштиради, сурунқал касалликларнинг олдини олади. Бу Давлат бюджетига тушадиган юқори қамайтириб, ресурсларни бошқа стратегик соҳаларга йўналтириш имконини беради.

Яна бир муҳим таҳлил — спорт билан шуғулланган аёллар орасида депрессия даражаси паст, оилавий низолаҳ кам, фарзанд тарбияси самаралироқ бўлади. Бу эса ажирлар сонини қамайтириш ҳам билан бевосита муҳим роль ўйнайди.

Инклюзив жамият ва ҳаёт тарзи фалсафаси

Адаптив спорт — ногиронлиги бўлмаган шахслар учун мослаштирилган жисмоний фаолият тизими. Халқро паралимпия кўмитаси — дунё бўйича ногиронлиги бўлган спортчилар учун паралимпия спортини ривожлантирувчи ва бошқарувчи халқро ташкилот таърибасига кўра, адаптив спорт турлари ижтимоий интеграцияни кучайтиради, психологик ҳолатни яхшилаб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги фаоллигини оширади. Бу йўналиш инклюзив жамият қуришда долзарб аҳамият касб этади.

Спорт миллий тараққий стратегиясининг энг муҳим устунига айланиши лозим. Мазкур масалаларни чуқурроқ аниқлаш учун оммавий спортни ривожлантириш борасида илгор таърибага эга давлатлар мисолида таҳлил қилиш муҳим. Хусусан, Япония ҳамда Шимолий Европа мамлакатлари — Норвегия, Швеция ва Финляндия таърибаси бу борада алоҳида эътиборга лойик.

Ривожланган мамлакатларда оммавий спорт алоҳида соҳа эмас, балки кундалик ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида шаклланган. Масалан, Норвегияда аҳолининг қариб 70 фоизи мунтазам жисмоний фаолликка яшайди. Бунга спорт инфратузилмасининг оммавий ҳамда бепул ёки арзонлиғи, маҳаллий клублар ва кўнгилилар тизимининг ривожланганлиғи, спортнинг “натيجا” эмас, балки “соғлом ҳаёт” мезони сифатида тарғиб қилиниши муҳим омил бўлмоқда.

Япония таърибасидан маълумки, кексалар фаоллиғи — узок умр гарови. Дунёда энг узок умр кўриш кўрсаткичларига эга мазкур давлатда кексаларнинг жисмоний фаоллиғи муҳим омил ҳисобланади. Шимолий Европа модели ижтимоий давлат ва соғлом жамият уйғунлиғига асосланган. Финляндия ҳамда Швецияда кексаларнинг спортга жалб этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Демак, халқро таърибалар асосида қатор илмий-амалий хулосаларни илгари суриш мумкин. Яъни, аввало, спортни ҳаёт тарзи сифатида шакллантириш зарур. Буни тарғибот эмас, балки маданият масаласи, десак, аниқ ҳақиқат. Шунингдек, кексалар спортини алоҳида йўналиш сифатида ривожлантириш, “Фол кексалари” концепциясини миллий модель асосида жорий этиш лозим. Бунда маҳалла асосий платформа вазифасини бажариши керак. Маҳаллаларда оддий, лекин мунтазам машғулот тизimini яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ, Халқро Нордик университети ректори, профессор.

2026 йил 1 майдан бошлаб аскарларни касбга ўқитишга жалб этилган педагогларга машғулотларни ўтказганлик учун соатбай асосида иш ҳақи тўланади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиғида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғос бичими А—2. Баҳоини келишилган нарҳда.

Гезетанин ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанин кўлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Гезета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Гезетанин полиграфик жихатдан сифати чоп этилишида “Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсум. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — С. Исламов.

“Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.05 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5 6